



MAKTABGACHA VA MAKTAB
TA'LIMI VAZIRLIGI



A.AVLONIY NOMIDAGI
ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI



JIZZAX VILOYATI
PEDAGOGIKA MARKAZI

**“INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA FAN, TA'LIM VA ISHLAB
CHIQRISH INTEGRATSIYASINI TA'MINLASH:
MUAMMO VA YECHIMLAR”**

**XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYASI
(2024-YIL, 15-IYUN)**

MATERIALLARI

**“ENSURING THE INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND
PRODUCTION BASED ON INNOVATIVE TECHNOLOGIES:
PROBLEMS AND SOLUTIONS”**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL
ONLINE CONFERENCE
(JUNE 15, 2024 Y)**

MATERIALS



ЁШ АВЛОД МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА ЖАМИЯТГА ЁТ БЎЛГАН НОСОҒЛОМ МУҲИТНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Худайназаров Т.Х

ТИПИ педагогика факултети катта ўқитувчиси.

Nomozova Farangiz

-Boshlangich ta'lim 22/35 guruh talabasi.

Инсон оила ва жамият муҳотида тарбия топади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг Асосий Қонуни бўлган – Конституциямизнинг 76- моддасида бундай деб ёзилган: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир”⁶. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, бугунги кунда ёшлар маънавий тарбиясини янада кучайтириш ишига алоҳида эътибор қаратиш даврнинг долзарб масаласига айланиб бормоқда. Жамият тараққиётининг асосий субъекти ҳисобланадиган ёшларда соғлом турмуш тарзи қоидалари асосида ижтимоий макон яратиш жиддий ва мураккаб масаладир. Бу эса ўз навбатида ёшларимиз онгида миллий ғурур ва садоқат фазилатларини шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Ҳақиқатдан ҳам мамлакат тақдирини, келажагини белгилайдиган асосий куч бугунги ҳаётда катта кўтаринкилик билан меҳнат қилаётган, сабр-тоқат, қунт билан илм олиб дунё ёшлари билан тепша тенг рақобатлашаётган фарзандларимиздир.

Аммо оилада фарзандлар тарбиясида айрим муаммолар ҳам мавжудки, улардан бири шубҳасиз “оммавий маданият” таҳдидларидир. “Оммавий маданият” нинг мақсади шунчаки инсоннинг бўш вақтини тўлдириш, унинг ҳордиғини чиқаришдан чиқариш бўлмасдан, балки унда истеъмолчилик кайфиятини рағбатлантиришдир. Бу ўзига хос: бўшов, ўзгалар томонидан бошқариш осон бўлган шахс дунёқарашини ўзгартириш мақсадига йўналтирилган бўлади. Ана шундай шахсларда санъат ва адабиёт асарларига танқидий ёндошиш кўзатилмайди. Аслида улар мустақил фикрлашга қодир эмаслар, ўртамиёна, енгил ҳазим қилинадиган, бошқаларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда урф ҳисобланадиган нарсаларни юқори ҳисоблайдилар.

Файласуф олимлар “оммавий маданият” ўз моҳияти жиҳатидан ғайри инсоний хусусиятга эга бўла бошлагани ҳақида бонг урилганига анча вақт бўлган. Хусусан немис файласуфи К. Ясперс “оммавий маданият”ни санъат моҳиятининг таназули деб баҳолаган бўлса, испан файласуфи ва социологи Х. Ортега уни ғайриинсоний тус олаётганлигини кўрсатган. Улар “оммавий маданият” фақат айрим ташқи кўринишлари билан санъат ва нафис адабиёт асарига ўхшаши, туб моҳияти жиҳатидан эса сунъий, сохта, ясама эканлигини таъкидлаганлар,- деб ёзишади файласуф олимлар И.Соифназаров ва Ф.Саифназаровлар⁷.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.; “O`zbekiston”, - 2023, 45-бет.

⁷ И.Саифназаров, Ф.Саифназарова. Ёшлар ва оила – Ватан таянчи. Т, 2018, “Та’лим nashriyoti” МЧЖ, 69-бет.

Бундай таҳдидлар энг аввало ёшлар маънавиятига қаратилгани билан ўта хавфлидир. Ўсиб келаётган ёш авлодларда миллий қадрият туйғуларини заифлаштириш, асрий урфодатлар, энг олижаноб исоний фазилатларга ёт бўлган ҳаёт тарзини зўр бериб тикиштириш, худбинпарастлик ва шахсиятпарастликни жозибали усуллар билан тарғиб қилишга йўналтирилган “оммавий маданият”дир. Америкалик рус олими П.Сарокин эса “оммавий маданият”нинг шаклланиши ва кенг қўламли хусусиятга эга бўлиши, биринчи навбатда, санъат ва адабиётнинг тижоратлаштирилиши билан боғлиқлигига эътибор қаратган ва унга қуйидагича баҳо берган. “Санъат кўнгил оарлик учун товар сифатида савдо корчалонлари, тижорат манфаатлари ва урф таъсири билан тобора назорат остига олинмоқда... Бундай вазият тижорат коралонларини нафосатнинг олий ҳакамларига айлантirmoқда, ижодкорларни уларнинг талабларига бўйсундirmoқда, бу яна реклама ва оммаий ахборот воситалари ёрдамида зўрлаб тикиштирилмоқда”⁸. Ёки мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев фикри буйича, “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас”⁹.

Бугунги шиддатли замонда ҳаётимизни оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио, телевидение, кино, компьютер тизими, уяли телефонларсиз тасаввур эта олмаймиз. Уларнинг ёрдамида кишилар оммавий ахборот воситалари ёки бунинг бошқача “медиа масс” деб ном олган турли ахборот узатишдаги тармоқлар, каналлар орқали улкан ҳажмдаги ахборотларга эга бўлмоқдалар. Айниқса ижтимоий тармоқлар, янгиликлар, сериаллар, ток-шоулар, тинимсиз қунғироқлар ва “SMS” хабарлари оммавий маданият таъсирини оширмоқда.

Фарзандларимиз онгига “оммавий маданият”нинг зарарли оқибатлари ҳақида мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Аввалом бор “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз”¹⁰-деган кўрсатмалари муҳим бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда кўплаб намойиш этилаётган жангарилик фильмлари, айрим бузғунчи асарлар ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётгани, улар инсонни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо этишга қаратилганлиги билан ўта хавфлидир.

⁸ П.Сорокин. Человек. Цивилизация. Общество. – М.; “Политиздат”, 1992. С.31.

⁹ Ш.Мирзиёев. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан хизмат қилайлик. “Халқ сўзи”, 2017 йил 16 июн.

¹⁰ Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018, 1-том, 89-бет.